

# Ақийда дарслари (85-дарс). Жаннат ва дўзахнинг борлиги ва уларнинг йўқ бўлмаслиги



13:00 / 11.05.2020 5306

Жаннат ва дўзах – иккаласи халқ қилингандир. Улар абадийдир, йўқ бўлмаслар. Бас, Аллоҳ жаннат ва дўзахни халойиқдан олдин халқ қилгандир. Уларга аҳл бўладиганларни ҳам халқ қилгандир. Улардан кимни хоҳласа, У Зот фазли ила жаннатга, кимни хоҳласа, адли ила дўзахга юборади.

Жаннат ва дўзах ҳақиқатда бордир. Улар халқ қилингандирлар, ҳозир мавжуддирлар. Уларга ўз-ўзидан фонийлик келмас. Аллоҳ таоло уларни ҳалок ҳам қилмас. Икковлари абадулабад боқийдирлар. Чунки Аллоҳ таоло жаннат ва дўзахни халойиқдан олдин боқийлик учун яратгандир. Уларга кирадиган аҳллари ҳам яратгандир. Аллоҳ таоло кимни жаннатга ҳидоят қилишни ирода қилса, бу Унинг фазлидандир. Кимни дўзахга бориш учун тарк қилиб қўйса, бу Унинг адлидандир.

Жаннатнинг махлуқлигига Қуръондан далиллар:

«У (жаннат) **тақводорлар учун тайёрлангандир**» (Оли Имрон сураси, 133-оят);

«У (жаннат) Аллоҳга ва Унинг набийларига иймон келтирганлар учун тайёрлангандир» (Ҳадид сураси, 21-оят);

«Ва жаннат тақводорларга узоқда қилинмасдан, яқин келтирилди» (Қоф сураси, 31-оят);

«Батаҳқиқ, Уни бошқа тушишда кўрди. Сидратул мунтаҳонинг олдида. Унинг олдида жаннатул маъво бордир» (Нажм сураси, 13-15-оятлар).

Суннатдан далиллар:

1. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Сўнгра Жиброил мен билан юриб бориб, Сидратул мунтаҳога етди. Шунда уни мен билмаган ранглар ўраб олди. Сўнгра жаннатга кирдим, қарасам, унинг остонаси луълудан, тупроғи эса мискдан экан», деганлар (Бухорий ва Муслим Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилишган).

2. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Сиздан биронтангиз ўлган пайтида унга эртаю кеч жойи кўрсатилади. Агар аҳли жаннатдан бўлса – жаннатдан, аҳли дўзахдан бўлса – дўзахдан. Сўнгра «Аллоҳ қиёмат куни сени қайта тирилтиргунча жойинг шу», дейилади» (Бухорий ва Муслим Ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилишган).

3. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Баро ибн Озибнинг ҳадисларида жумладан: «Бас, осмондан бир нидо қилувчи: «Бандам рост айтди. Унга жаннатдан жой тўшаб беринглар. Унга жаннатдан эшик очиб беринглар!» – деб нидо қилади. Ўшанда унга жаннатнинг хушбўй хидларидан келади», деганлар» (Аҳмад ва Абу Довуд ривоят қилишган).

4. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Мен ушбу мақомимда сизга ваъда қилинган ҳар бир нарсани кўрдим. Ҳаттоки сиз менинг илгарилаганимни кўрганингизда, жаннатдан мева узиб олганимни кўрдим. Сиз менинг ортга тисланганимни кўрганингизда эса дўзахнинг баъзиси баъзисини парчалаётганини кўрдим», деганлар (Имом Муслим Оиша онамиз розияллоҳу анҳодан ривоят қилган).

Дўзахнинг махлуқ эканига Қуръондан далиллар:

«У(дўзах) кофирлар учун тайёрлангандир» (Бақара сураси, 24-оят);

«Албатта, жаҳаннам кузатувчи бўлгандир. Туғёнга кетувчиларга қайтар жойдир» (Набаъ сураси, 21-22-оятлар);

«Бас, Аллоҳ уни макрларининг ёмонликларидан сақлади ва оли Фиръавни ёмон азоб ўраб олди. У ўт-оловдир. Унга эртаю кеч кўндаланг қилинурлар. Соат қоим бўлганида эса: «Оли Фиръавни энг ашаддий азобга киритинглар», (дейилур)» (Ғофир сураси, 45-46-оятлар);

«Ва жаҳийм қиздирилган вақтда» (Таквир сураси, 12-оят).

Суннатдан далиллар:

1. Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам:

«Менинг жоним қўлида бўлган Зот билан қасамки, агар мен кўрган нарсани кўрсангиз, албатта, оз кулар ва кўп йиғлар эдингиз», дедилар.

Одамлар: «Эй Аллоҳнинг Расули, нимани кўрдингиз?» дейишди.

Ул зот соллalloҳу алайҳи васаллам: «Жаннатни ва дўзахни кўрдим», дедилар» (Имом Муслим Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилган).

2. Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам:

«Мўминнинг руҳи Аллоҳ уни қиёмат куни жасадига қайтаргунича, бир қуш бўлиб, жаннат дарахтларида қўниб туради», деганлар (Имом Молик «Мувааттоъ»да ривоят қилган).

3. Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам:

«Аллоҳ таоло жаннатни ва дўзахни яратган пайтида Жаброилни жаннатга юборди...» деб туриб, ҳадиснинг охирида: «Сўнг уни дўзахга юборди. «Бор, унга назар сол. Унинг аҳли учун тайёрлаб қўйган нарсаларимга назар сол», деди. Бас, назар солувди, қараса, унинг баъзиси баъзисининг устига чиқаётган экан», деганлар.

**«Ақоид илми ва унга боғлиқ масалалар» китобидан**